

## Савобли ишлар ҳар куни бўлиши керак!

ТИҚХММИ талабалари Сирдарёдаги махсус ихтисослаштирилган, имконияти чекланганлар мактабига ташриф буюришди. Жорий йилнинг декабр ойида институтимиз барча талабаларига хайрия акцияси бўлиши ҳақида эълон берилди. Талабалар ўз хоҳишлари билан ушбу хайрия акциясида фаол иштирок этишди. Нафақат талабалар, профессор-ўқитувчилар, кафедра мудирлари, бўлим бошлиқлари, факултет раҳбариятлари, проректорлар ва устозимиз, институт ректори ҳам ушбу лойиҳада фаол иштирок этишди. Барча ташкилий ишлар Ёшлар иттифоқи факултет етакчилари томонидан, институт Касаба уюшмаси қўмитаси ҳамкорлигида амалга оширилди. Куни кеча, ушбу хайрли ишимизнинг биринчи босқичи якунланди.



1. Гидротехника факултети ёшлар етакчиси ва факултет талабалари
2. "Ер ресурсларини бошқариш" факултети ёшлар етакчиси ва факултет талабалари
3. Қишлоқ хўжалигини механизациялаш факултети ёшлар етакчиси ва факултет талабалари
4. Муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фаол талабалар гуруҳи талабалари
5. Институт Касаба уюшмаси қўмитаси
6. Иқтидорли ёшлар билан ишлаш бўлими барчаси бирлашиб, жон куйдириб, юқори даражада тайёргарлик кўриб Сирдарё вилояти Бахт шаҳри 71-сонли ихтисослаштирилган ногиронлар мактабига Янги йил байрами билан эътиборга муҳтож ёшларимизни табриклаш учун ташриф буюришди.



Узоқ жойга борганимизми сабаби Тошкент шаҳрида жуда ҳам кўп одамлар ташриф буюрмоқда бундай хайрли ишларга. 245 дан ортиқ ўқувчилар таҳсил олаётган ушбу махсус мактаб шароитлари билан олдиндан танишилиб, уларга 2 та электр иситгич хайрияга ҳисса қўшган талабалар номидан совға қилинди. Байрам дастури тайёрланди, эртақ қаҳрамонлари, қорбобо, қорқиз билан болажонлар мазза қилиб рақсга тушишди. Институт Касаба уюшмаси қўмитаси томонидан ош тайёрланиб, байрам дастурхони тузатилди болажонлар мазза қилиб овқатланишди. Болажонларга хайрия акциясида иштирок этган барча институт талабалари номидан махсус, фойдали совғалар топширилди. Қолганини шунчаки таърифлаш қийин, хурсандлигини ўзи катта бахт сизлар учун деб ўйлаймиз. Ушбу хайрия акциясини ўтказишда қатнашган барча барчага шу ихтисослашган мактаб ўқувчилари номидан миннатдорчилик билдирилди Эртага эса ана шундай ният билан Тошкент вилояти Ангрен шаҳрига йўл олиш режалаштирилган.



**Институт Ёшлар иттифоқи бошланғич ташкилоти ҳамда Институт Касаба уюшмаси қўмитаси ахбороти**

**Институт матбуот хизмати раҳбари Раҳимбой Жуманиёзов**